4.600.000 тонна тайёр!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5-йил чиқиши.
14 НОЯБРЬ 1970 й
ШАНБА
№ 269 (1337).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЯНА БИР КОРХОНА

3-қурилиш трестига қарашли 57-қурилиш бошқармасининг коллективи ишлаб чиқариш корхоналарини бунёд этишнинг устаси бўлиб қолмоқда. Бошқарма қурувчилари Сергели йўлдош шаҳарчасида қурилиш материаллари етказиб берадиган янги корхона қурилишини бошлаб юбордилар.

Янги корхона замонавий бинолар қурилиши учун қуёш тўсқич панжараларнинг хилма-хил намуналарини тайёрлаб беради. Янги корхона улкан ишлаб чиқариш корпуси ва материаллар омборидан иборат бўлади.

Бинокорлар янги заводни келгуси йили фойдаланишга топширишни ниятидалар.

ҚУРУВЧИЛАР РАПОРТИ

Пойтахтимизнинг ғарби-жанубий қисмида қулоч ёзаётган Студентлар шаҳарчаси ҳозирги замон архитектурасининг ўзига хос энг чиройли ансамблларидан бирига айланмоқда. Албатта, бу ишнинг амалга ошишида қурувчиларнинг ҳиссаси катта.

Шаҳарчани қуриб битказиш ишлари 6-қурилиш трестининг зиммасига юклатилган. Меҳнатсевар коллектив шу йилнинг ўзида муҳим объектларни фойдаланишга топширди. Булар Ленин номли Тошкент Давлат университетининг маъмурий биноси, Политехника институтининг ўқув корпуслари ва кўпгина ётоқхоналардир.

Бугун трест коллективи йиллик топшириқлар муддатдан илгари бажарилганлиги ҳақида ғалаба рапортига имзо чекди. Бу рапорт жуда катта меҳнат зафари қўлга киритилганлигидан далолат беради.

Ўнлаб уй-жой биноларида уй тўйлари ўтказилди. Шимолий-шарқ массивида 280 ўринли болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. Янги поликлиниканинг эшиклари очилди.

Шу кунларда азаматлар яна бир қатор объектларда бунёдкорлик ишларини жадаллик билан олиб бормоқдалар. Бинокорларнинг аҳди йил охиригача яна 2,5 миллион сўмлик қурилиш ва монтаж ишларини бажаришдир.

98 мамлакат билан

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа боғлаш Ўзбекистон жамиятининг фаолияти йил сайин кенгайиб боряпти. Ҳозирги пайтда жамият 98 мамлакат билан дўстлик алоқалари ўрнатган.

Яқинда жамиятда СССР — Япония дўстлик жамияти Тошкент шаҳар бўлимини ташкил қилишга доир таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Унда чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа боғлаш Ўзбекистон жамияти правлениесининг раиси Х. Шукурова, «Ўзбек концерт» директори А. Назаров, Тошкент шаҳар ижроия комитети раиси ўринбосари Х. Ёқубжоновалар сўзга чиқдилар. Улар Совет Иттифоқи билан Япония халқи ўртасида ривожланиб бораётган дўстлик муносабатлари ҳақида гапирдилар. Йиғилиш СССР — Япония дўстлик жамияти Тошкент шаҳар бўлимини 16 ноябрда тузиш ҳақида қарор қабул қилди.

Бу маросим Дўстлик уйида тантанали вазиятда ўтказилади. Маросимда қатнашиш учун Япония — СССР жамиятининг вакиллари ҳам Тошкентга етиб келдилар.

Трикотаж фирмасининг ишчилари КПСС XXIV съездини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ мусобақаси — съездолди меҳнат вахтасини кенг авж олдирмоқдалар.

СУРАТДА: корхона тўқув цехининг съездолди вахтасида туриб унумли ишлаётган зарбдор капрон тўқувчиси Тамара Уханова.

М. Нуриддинов фотолари.

КПСС XXIV СЪЕЗДИНИ муносиб кутиб оламиз!

● БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

«ПЎЛАТ ЮРАК»КА УМР БАҒИШЛОВЧИЛАР

▲ БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҚ МУДДАТИДАН ИККИ ОЙ ИЛГАРИ БАЖАРИЛДИ.

▲ ЙИЛ ОХИРИГАЧА ПЛАНГА ҚЎШИМЧА 640 МИНГ СЎМЛИК МАҲСУЛОТ БЕРИЛАДИ.

Қўйлиқдаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли ремонт механика заводининг коллективи беш йиллик топшириқларини муддатидан икки ой олдин бажарди. Шу кунларда 1971 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Бу корхона ўзининг кўп йиллик фаолиятида жуда кўп номда трактор моторларини капитал ремонтдан чиқариб қайта ҳаётга йўллади. Айниқса, ленинча беш йиллик йилларида катта ишлар бажарилди. Шу давр мобайнида 12 миллион 353 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Фақат трактор моторларининг ўзидангина 13 мингтаси қайта тикланди.

Дизель двигателлари 35 йилдан буён бир бинода ремонт қилиниб келинар эди. Бу беш йилликда махсус корпус қурилди ва ишга туширилди. Ремонт ишларининг барчаси механизация билан бажарилмоқда. Моторларни ювиш, қисмларга ажратиш ва йиғиш участкаларида конвейер ишга туширилган.

Ремонтчилар йил охиригача республика қишлоқ хўжалигига яна 630 та моторни капитал ремонтдан чиқариб беришга қарор қилдилар.

Яқиндагина корхона ДТ—54 ва С—8 трактор дизелларини ремонт қилишга ихтисослаштирилган эди. Ҳозир эса, пахтачиликка мослаштирилган Т—4 ҳамда Д—37 «пўлат от»ларнинг моторлари капитал ремонтдан чиқарилмоқда.

Бу завод 40 тонналик гидравлик пресслар ишлаб чиқариш бўйича Иттифоқимизда энг йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Беш йиллик мобайнида қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилувчи корхоналарга ўрнатиладиган бундай прессларни такомиллаштириш устида талай ишлар қилинди ва яхши натижаларга эришилди. Ҳозирда пресс стандарти даражасига кўтарилган. У чет элларда ҳам довруғ қозонган.

Юбилей йилида гидравлик пресcларнинг механизмлари янада яхшиланди. Унинг иш унуми икки баравар ошди.

Ремонтчилар ленинча беш йилликда, айниқса, фидокорона меҳнат қилдилар. Юбилей йили кўрсаткичлари қувончлидир. Шу йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида меҳнат унумдорлиги анча ортди. Бир сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришда 91,1 тийин ўрнига 89 тийин сарфланди. Бундан катта тежам олинди.

Улуғ Октябрнинг 53 йиллиги арафасида завод коллективининг қувончига яна бир қувонч қўшилди. Учинчи кварталда мамлакатдаги ўхшаш корхоналар ўртасида олиб борилган социалистик мусобақада ғолиб чиққанлиги учун завод коллективига «Сельхозтехника» Бутуниттифоқ бирлашмаси ҳамда СССР қишлоқ хўжалик ва тайёрлов ишчи-хизматчилари касаба союзлари Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи берилди.

Бугун

ремонтчилар юбилей йили топшириқларини ҳам муваффақиятли адо этдилар. КПСС XXIV съезди шарафига вахтада турган завод коллективи шонли санани планга қўшимча 640 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш билан кутиб олишга бел боғлади.

СУРАТДА: тепловоз депосининг беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиб, баракали меҳнат қилаётган илғор ремонтчи слесарларидан комсомол аъзолари (чапдан ўнгга) Юрий Хоталенко ва Собир Шералиев ўртоқлар. Бу икки ёшга коммунистик меҳнат зарбдори унвони берилди.

УЛКАН АНЖУМАНГА

1958 ва 1968 йилларда бўлиб ўтган Осиё ва Африка ёзувчиларининг анжуманлари кўпчилик хотирасида ўчмас из қолдирган. Ундаги ўзаро фикр алмашувлар икки қитъа адибларини янада яқинлаштирди, колониализм, империализм ва маҳаллий зулмга қарши ягона курашга отлантирди. Орадан икки йил вақт ўтди. Бу вақт ичида ҳар икки қитъанинг ижтимоий ҳаётида сезиларли ўзгаришлар юз берди, мустақилликка эришган янги мамлакатлар пайдо бўлди. Буларнинг ҳаммаси адабиёт олдига янги проблемалар, янги мавзулар қўйди. Икки қитъа ёзувчилари бу масалаларни муҳокама қилиб олиш учун Деҳлида йиғилишга қарор қилган эдилар.

Ўзбекистон ССР ёзувчилар союзи правлениесининг раиси К. Яшин ва таниқли шоира, Жавоҳарлал Неру ҳамда Нилуфар мукофотлари лауреати Зульфия бир группа совет адиблари билан бирга Деҳлига учиб кетдилар. Улар бир неча кундан сўнг очиладиган Осиё ва Африка ёзувчиларининг IV конференциясида иштирок этадилар ҳамда ўз фикр ва мулоҳазаларини ўртоқлашадилар.

Конференция прогрессив Шарқ адибларини сафларини жипслаштириш, улар ижодини тўғри йўналишга солиш борасида катта роль ўйнаши шак-шубҳасиз.

МАДАГАСКАРЛИК ЖУРНАЛИСТЛАР

СССР журналистлар союзининг таклифига биноан Мальгаш республикаси (Мадагаскар ороли) нинг журналистлари делегацияси мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди. Делегация орасида Ракотобе Морис, Р. Жустена, А. Жоржлар бор.

Меҳмонлар Тошкентда ҳам бўлдилар. Улар «Совет Ўзбекистони» газета редакциясида ҳамкасблари билан учрашдилар, Тошкент радиосининг ижодий фаолияти билан танишдилар. Шундан кейин В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиали республика халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг экспонатлари, Тўқимачилик комбинати билан танишдилар.

Мадагаскарлик журналистлар Боку шаҳрига жўнаб кетдилар.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бошчилигидаги КПСС делегацияси 11 ноябрда Италиядан Москвага қайтиб келди.

◆ СССР Олий Советининг навбатдаги сессиясига тайёргарлик муносабати билан, 12 ноябрда Кремлда СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети план-бюджет комиссияларининг ёшлар ўртасида ишлаш комиссиялари, тармоқ комиссиялари ва табиатни муҳофаза қилиш комиссиялари вакилларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

◆ 13 ноябрь куни Бухоро область партия комитетининг мажлислар залида Бухоро халқ революциясининг 50 йиллигига бағишланган бирлашган илмий сессия бўлди.

◆ 12 ноябрда Тошкентда республика Касаба союзлари Советининг пленуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон энергетиклари музейи

Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министрлиги қошида — Тошкент ГЭСи каскадлари корхонасида Ўзбекистон энергетиклари музейи ташкил этилган. Музейнинг асосий мақсади Ўзбекистонда энергетиканинг ривожланишини ҳар томонлама кўрсатишдир. Бу ерда корхоналарнинг ривожланиш тарихи, қачон тузилганлиги, эксплуатацияга топширилган йили, реконструкция қилинганлиги, коллективнинг зафарли онлари акс эттирилган стендлар қўйилган. Ҳар бир корхона стенди ёнида корхона илғорларининг фотосуратлари, энергетика соҳасида неча йил меҳнат қилаётгани, меҳнатни қайси вазифада бошлагани акс эттирилган.

Шу кунларда музейда катта тайёргарлик олиб борилмоқда. Владимир Ильич Ленин томонидан мамлакатимизнинг электрлаштириш давлат планининг тасдиқланганлигига бу йил ярим аср тўлади. Музейда ана шу байрамга атаб стендларни янгилаш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон энергетиклари ўз байрамлари — энергетиклар кунини музейни янги экспонатлар билан бойитган ҳолда кутиб олади.

З. РУСТАМОВ,
инженер.

САНЪАТКОР ЮБИЛЕЙИ

СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати Олим Хўжаевнинг 60 ёшга тўлганлиги муносабати билан, бир неча жойда юбиляр билан учрашувлар, кечалар ўтказилди. Жумладан, санъаткорлардан бир группаси О. Хўжаев билан бирга куни-кеча Бухородан қайтиб келди. У ерда С. Оржоникидзе номли педагогика институтида студентлар билан қизиқарли учрашув ўтказилди. С. Айний номли область театри биносида бўлиб ўтган юбилей кечаси ҳам ҳаяжонли дақиқаларга тўла бўлди, санъаткорларда ҳам, мезбонларда ҳам катта таассурот қолдирди.

Бугун

Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театри биносида Олим Хўжаев ижодий фаолиятига бағишланган тантанали кеча бўлади. Унда шоир ва драматург Туроб Тўла санъаткорнинг ҳаётий йўли ҳамда саҳнадаги ютуқлари ҳақида доклад қилади. Кечада санъаткорлар, юбилярнинг мухлислари ва бошқа республикалардан келган меҳмонлар иштирок этадилар.

НОЗ-НЕЪМАТ БУНЁДКОРЛАРИ

Қишлоқ — шаҳарга

Ўрта Сарой яқинида бир фабрика бор. Ҳар куни эрталаб шаҳримиздан ўнлаб машиналар ўша ёққа ошиқади.

Мана, тонг ёришар-ёришмас паррандачилик фабрикасининг икки қаватли идораси атрофи шаҳардан чиққан машиналар билан гавжум. Фабрика директори Равил Собирович Галиулиннинг идораси олдида навбат кутиб турганлар оз эмас. Улар Тошкент шаҳри районларидаги ошхоналар трестларидан, ресторанларидан ва турли ташкилотлардан келишган. Биров минг дона тухум сўрайди, бошқаси беш мингта. Ҳаммаларининг талабларини тўла қондириш қийин. Аммо Равил Собирович уларни имконияти борича хурсанд қилиб кузатишга ҳаракат этади.

Директор имзо қўйиб берган қоғозларни қўлда ушлаб, харидорлар омборларга йўл олишади.

Бу меҳнатсевар коллектив ўтган ўн ой давомида аҳолига 13 миллион 666 минг дона тухум етказиб берди. Эдея Асанова бош бўлган бригаданинг илғор товуқбоқарлари ҳар бир она товуқдан 139 донадан тухум олишга эришдилар. Уларнинг қўл остида ўн битта товуқхона бўлиб, эллик бир минг товуқ боқилади. Эллик бир минг товуқнинг ҳар биридан 139 тадан тухум олинган бўлса, озмунча бўладими?!

Фабрикада Эдея Асанова каби меҳнатсеварлар оз эмас. Масалан, паррандабоқар Екатерина Суш ўтган ўн ой мобайнида 500 мингдан зиёд тухум топширди. Ҳозир фабрика кунига 50 мингга етказиб тухум бермоқда.

Ўрдак гўшти етказиш, она ўрдаклардан тухум олиш ҳам бу ерда намунали йўлга қўйилган. Ҳар бир она ўрдакдан 110 донадан тухум олиниб, йиллик план тўққиз ойда 105 процентга адо этилди. Бу йил 60 минг дона ўрдак боласи олиш планлаштирилган эди. Аслида, 115 минг дона олинди. Ундан боқиш учун 50 мингтаси олиб қолиниши керак эди. 66 мингтаси қолдирилди. Эллик мингдан зиёди боқиб семиртирилиб, гўштга топширилди. Ҳар бир ўрдакдан ўртача бир килограмму 800 граммдан гўшт олинди. Ҳар бир килограмм ўрдак гўшти учун 1 сўм 50 тийин сарф этиш ўрнига, 1 сўм 27 тийиндан сарф этилди.

Фабрика давлатга бу йил 386 тонна гўшт топшириши керак эди. Ўтган ўн ой давомида бу рақам 440 тоннага етди. Ҳозирда эса илғор коллектив ҳар куни ўн центнерга етказиб парранда гўшти топшираётир.

Шунингдек, фабрикада минг бош қора мол боқилмоқда. Бу ердаги соғин сигирлардан ҳар куни икки тоннага етказиб сут олиниб, шаҳарликларга жўнатиляпти.

Ҳозирда бу фабрикада юз минг товуқ боқилаётган бўлса, келгусида у икки юз мингга етади.

— Шаҳар аҳолисининг тухум ҳамда парранда гўштига бўлган талаби тобора ортиб бормоқда, — дейди фабрика директори Р. Галиулин, — бизнинг улкан коллективимиз бу ишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилади.

...Тонгда паррандачилик фабрикасига етиб борган машиналар соат ўн бир бўлмаёқ неча юзлаб тухум ҳамда товуқ гўшти ортиб, шаҳарга жўнади.

У. ЮСУПОВ.

СУРАТДА: Чилонзор ошхоналар трестининг вакили Абдулла Содиқов фабрика базаси ходимлари Зайнаб Бектурғунова билан Мария Малашинадан район овқатланиш тармоқлари учун тайёрланган тухумларни қабул қилиб олаётир.

М. Нуриддинов фотоси.

ШОДИЁНАГА ТАРАДДУД

Тошкент шаҳар савдо бошқармаси пойтахт ипподромида хилма-хил павильонлар, магазинлар, дўконлар қуришга киришдилар. Бу ерда шаҳардаги барча савдо ташкилотларининг кучи билан қисқа вақт ичида элликдан ортиқ ҳар хил магазинлар қуриб битказилади.

Шундай қилиб, савдо бошқармаси бир неча кундан кейин пойтахтимизда ўтказиладиган катта пахта байрамига тараддуд кўришга киришди. Байрам кунлари ипподромда Марказий универсаль магазини, «Ташпромторг», «Ташшвейторг», «Обувторг», «Ташплодоовошчторг» каби савдо ташкилотларининг коллективлари савдо қиладилар.

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

БУДАПЕШТ. Венгрия Социалистик ишчи партияси аъзолари ҳозир 622.397 кишига етди. Шундай қилиб, кейинги тўрт йил ичида партия сафлари 13,3 процент кўпайди. Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг органи — «Партэлет» журнали шу ҳақда хабар берди.

(ТАСС).

САНТЬЯГО. Бу ерда Чили министрлар кабинетининг биринчи мажлиси бўлди. Мажлисда 1971 йил охиригача мўлжалланган иқтисодий программа муҳокама қилинди. Иқтисодий ривожланиш ва реконструкция министри Педро Вусковичнинг доклади юзасидан ҳукумат меҳнат унумдорлигини оширишни, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришни, меҳнаткашларнинг моддий аҳволини яхшилашни ва ишсизларнинг катта қисмини иш билан таъминлашни кўзда тутувчи қарорлар қабул қилди.

(ТАСС).

ВАШИНГТОН Ҳозирги вақтда АҚШда 4,6 миллион киши ишсиз. Бир йилнинг ўзидагина ишсизлар сони икки миллион нафар кўпайди. «Нью рипаблик» журнали шу маълумотларни эълон қилиб, ишга ўрнашиш проблемаси ёшлар орасида, айниқса, кескин бўлиб қолди, деб ёзади. Журналнинг қилган ҳисобларига қараганда, ҳозирги вақтда оқ танли йигит ва қизларнинг 13,6 проценти иш тополмай юрибди. Негр ёшлари орасида ишсизлар ярим миллион киши бўлиб, бу барча негр ёшларининг 30,2 процентини ташкил этади.

(ТАСС).

Корсика оролидаги Аяччо шаҳари Корсика департаментининг марказидир. У ажойиб порт шаҳар. Бу ерда эллик минга яқин киши яшайди. Шунинг билан бирга Аяччо тарихий шаҳар бўлиб, бу ерда 1769 йили Наполеон Бонапарт туғилган. Шу сабабли бу ерга жуда кўп туристлар келиб турадилар. Қадимги тарихий ёдгорликлар ва сувенирлар меҳмонларни ўзига жалб этади.

СУРАТДА: мева бозори.

Е. Кунцин фотоси.

(ТАСС фотохроникаси).

60

Олим Хўжаев

ХАЛҚ САНЪАТКОРИ

У БИР КУНДА жуда кўп нарсани қилишга улгуради. Шунча кўп нарсаники, агар буни «ўртача» одам ўлчовига солиб қарайдиган бўлсангиз, эҳ-ҳе, ҳар бир кишини ҳам ажаблантирмасдан иложи йўқ. Масалан, унинг энг оддий ва ишлар унчалик тиғиз бўлмаган бир кунини олайлик. Ҳар бир соат ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиш мақсадида унинг томонидан аниқ белгиланиб, нима учун ишлатилиши конкрет кўрсатилиб қўйилибди. Эрта билан соат тўққизда Чилонзордаги бир маҳаллага бориш керак, жиддий ариза бор, ахир у халқ сайлаган депутат. У ердан театрга, жонажон Ҳамза номли театрига репетицияга етиб келиши зарур. Соат иккига «Ўзбекфильм» киностудиясига чақиришган. Ким билсин, нима учун, балки яна бирорта янги ролни топширишмоқчидир... Бундан сўнг радиода ҳам репетиция бор, яқинда ижро этилган ролдан бир парчани ёзиб олишмоқчи. Соат бешда Тошкент театр ва рассомчилик институтида бўлиши керак. Бу ерда Ш. Маъзумова раҳбарлигидаги музикали драма бўлимининг студентлари ўз маҳоратларини намойиш қилишади, унинг қизи Васила эса фортепьянода уларга жўр бўлади. У албатта бўлиши керак, чунки қизига ва унинг дугоналарига «Албатта бораман» деб ваъда қилган. Шундан сўнг оқшом ҳам яқинлашиб қолади. У театрга шошилиши лозим ва «гримга» ўтириши керак. Ахир бугун энг мураккаб спектакллардан бири — «Қонли сароб» намойиш этилади. Хўш, спектаклдан кейинчи? Спектаклдан кейин ҳам бир қанча зарур ишлар бор. Эртага театр жамияти президиумининг кенгаши ўтказилади, Кун тартибида жиддий масала — «КПСС XXIV съездига республика театр арбобларининг тайёргарлиги» кўриб чиқилади.

У яна умр йўлдоши Шоҳидахоним билан «Мемуарлар» деган китоби ҳақида фикр-мулоҳазалар алмашиб олиши зарур. Ахир Ўзбекистон халқ артисти, доцент Шоҳида Маъзумова у билан Ҳамза театрида бир неча йиллар давомида бирга хизмат қилган, кўпгина ролларни «партнёр» бўлишиб ижро этишган. Шоҳидахонимнинг режиссура педагогика, овоз санъати ҳақида ҳам анчагина тажрибаси бор...

Ҳа, Олим Хўжаев халққа хизмат қилиш учун жонини тикканлардан бири. Шунинг учун ҳам у меҳнатни, санъатни сидқидилдан севади. Башариятни улуғлаган бу икки мўъжизавий сўзларга эсини таниганидан бери қуллуқ қилиб, онгидан, саҳий қалбидан сира нарига кетказмай келади. Бу сўзларнинг бир-бирига нақадар эгизаклигини у чуқур тушуна билади. Ахир, «Санъат» дегани бу меҳнат дегани-ку ва меҳнат натижасида ҳақиқий санъатга эришиш мумкин-ку...

СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Олим Хўжаев бугун 60 ёшга тўлди ва бундан роппа-роса 40 йилини санъат соҳасида, республикамиздаги отахон Ҳамза театри даргоҳида ўтказди.

ОЛИМ ХЎЖАЕВ 1910 йилда Бухоро шаҳрида туғилди. Болалик чоғларидаёқ бу кўҳна шаҳар аҳолисининг аянчли аҳволини ўз кўзи билан кўрди. Мудҳиш тузум туфайли ҳукм сураётган зўравонликни, илму-маърифат, маданият деган кишиларнинг камситилишини, динни рўкач қилиб меҳнаткаш оммани бешафқат талаб келаётган шайху-эшонларнинг ярамас қилмишлари шоҳиди бўлди, уларга нисбатан қалбида нафрат уйғонди. Ҳа, халқни азоб-уқубатларга мубтало қилиб қўйган бемурувват амир ва унинг малайлари ажойиб халқ санъати ва маданияти маскани бўлиб жаҳонга довруғ солган кўҳна Бухорони тубанликка, инқирозга юз тутказган эдилар. Аммо шунда ҳам халқ санъати гўё қора булутлар орасидан ялтираб кўринаётган юлдуздек ажралиб кўриниб турарди. Шаҳарда машҳур халқ муҳандислари, миниатюрачи-рассомлар, шоирлар, таниқли навозандалар, Қори Камол, Левича, Домла Ҳалим каби устод хонандалар бор эдилар. Сайлгоҳларда ҳассос халқ санъаткорлари иштирокида завқланарли мусиқа базмлари бўлиб турарди, масхарабозлар, қизиқчилар ҳар хил томошалар кўрсатардилар, майдончаларда «чодир хаёл» ўйинлари намойиш этилиб туриларди. Ёш Олим бундай томошаларнинг биттасини ҳам кўрмасдан қолмас эди.

Сарвар Азимовнинг «Қонли сароб» спектаклидан кўриниш· Фиғоний ролида —О. Хўжаев. Ақиқа—С. Норбоева.

Дарҳақиқат. санъатга. театрга нисбатан ҳавас Олим қалбида эрта уйғонди. Аммо бу ҳавасни амалга оширишга ўзгача замон, ўзгача шароитлар зарур эди. Ана шу шароитларни Олимжонга ва унга ўхшаган болаларга Ленин партияси, Улуғ Октябрь Социалистик революцияси яратиб берди. Золим амир тахти «бахти» билан ағдарилиб ташланди. Бухорода советлар ҳокимияти ўрнатилди. Одамлар орзу қилган давр келди. Болалар учун ҳақиқий савод чиқарадиган, билим оладиган янги мактаблар очилди. Олимжон ана шу мактаблардан бирига, «Ватан» мактабига кириб ўқиди. У ўқиб юрган чоғларида ўқувчилар ҳаваскорлик тўгарагига қатнашди, шарқийлар ижро этди, бадиий ўқишлар билан мактаб ҳаваскорлар саҳнасида пайдо бўлиб турди.

1924 ЙИЛДА Олимжон Бухородаги маориф институтига ўқишга кирди. Бу билим юртида ўқиб юрган чоғларида институт драмтруппаси аъзоларидан бири ҳам эди. Мазкур труппа ўша вақтларда ном чиқарган ўзбек драматургларининг саҳна асарларини томошабинларга кўрсатарди. Бу спектакллардаги бир қанча етакчи ролларнинг ижрочиси—ўз саҳна маҳорати билан бухороликлар ўртасида анча-мунча танилиб қолган Олимжон эди.

1929 йил Олимжон ҳаётида сира ҳам унутилмас йиллардан бири бўлиб қолди. Худди ана шу йили «Наркомпросс» (ҳозирги маориф министрлиги) уни Тошкентга, республикада ном қозонган Давлат драма театрида (ҳозирги Ҳамза номли театр) актёр бўлиб ишлашга юбориш ҳақида қарор қилди. Олимжон бундай хушхабарни зўр қувонч билан кутиб олди ва институтни тугатиб, дипломни олгач, 1929 йилнинг ўзидаёқ Тошкентга жўнади.

Олимжон Тошкентдаги ўзбек Давлат драма театрининг истеъдодли коллективи билан яхши таниш эди. Бу коллектив яратган спектакллардан бир нечасини улар 1924 йилда Бухорога, 1-қурултой қатнашчиларига маданий хизмат кўрсатгани ташриф буюришганида кўришга муваффақ бўлган эди.

1927-28 йилларда Тошкент драмтеатр труппаси яна бир бор Бухорога гастролга келди. Устоз санъаткорлар бу гал бухороликларга Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си асосида ишланган «Коваи оҳанглар» спектаклини намойиш қилдилар. Олимжон ҳам бу спектаклдаги эпизодик ролларда ва оммавий саҳналарда иштирок этди. Шу кунлари Олимжон айниқса, Лутфулла Назруллаев ва Обид Жалиловлар билан тез-тез учрашиб турди ва бу таниқли актёрлар суҳбатидан баҳраманд бўлди. «Мени профессионал саҳна ҳаётига меҳрибонларча чорлаган муҳтарам кишилардан биринчилари ҳам атоқли саҳна усталари Обид Жалилов, Лутфулла Назруллаевлар эдилар» — деб эслайди Олим Хўжаев.

Олим Хўжаевнинг ҳақиқий профессионал актёр бўлиб етишишида, саҳна санъатининг нозик сирларини· мураккаб қонун-қоидаларини ўзлаштиришида Ҳамза номли драма театри ҳақиқий академия ролини ўтади. У ана шу театр коллективининг чинакам ёрдами, самимий меҳрибончилиги ва ғамхўрлиги туфайли ҳассос санъаткор бўлиб етишди, артистлик маҳоратини камолот пиллапояларига кўтара олди катта талантини ҳар томонлама намоён қилишга эришди.

Олим Хўжаев машҳур ўзбек совет режиссёрлари Маннон Уйғур, Етим Бобожонов ҳамда довруғи жаҳонга кетган актёримиз Аброр Ҳидоятовларнинг саҳий тарбиясидан баҳраманд бўлди.

АКТЁР рус театри арбобларидан ҳам катта сабоқ олди. МХАТ каби донғи кетган театрларнинг саҳна усталари билан бир неча бор ижодий мулоқатларда бўлди, улар яратган спектаклларни, ажойиб образларни қайта-қайта кўрди, ижодий ютуқларининг сабабларини синчиклаб ўрганди, ўзи учун тегишли хулосалар, объектив якунлар ясади.

Олим Хўжаев ўзининг 40 йиллик саҳнавий фаолияти мобайнида умумхалқ ва рус классикасининг энг яхши намуналари ҳисобланган асарлардаги ҳамда совет драматурглари ва ҳозирги замон чет эл драматургларининг асарларидаги 70 дан ортиқ ролларни ижро этди. Актёр бу олийжаноб ишлар жараёнида катта муваффақиятларни қўлга киритди. Мавжуд қийинчиликларга ҳам дуч келди. У ҳамиша чуқур изланишда бўлди, ёрқин ва ҳаққоний, чинакам ҳаётий образлар яратиш ҳақида бетиним ўйлади, бутун қобилиятини, истеъдодини ана шундай мураккаб, аммо саховатли ишга қаратди.

Олим Хўжаевнинг театрдаги ижодий арсеналида ўнлаб ёрқин ва этапли образлар мавжуд, Вильям Шекспирнинг «Отелло»сидаги Яго. «Гамлет»даги Гамлет, «Қирол Лир»даги Лир, Максим Горькийнинг «Егор Буличев ва бошқалар»идаги Звонцев, «Мешчанлар»идаги Пётр, Шиллернинг «Қароқчилар»идаги Карл Моор, Алексей Островскийнинг «Сепсиз қиз»идаги Паратов, Чеховнинг «Ваня тоға»сидаги Астров, Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий»сидаги Алишер, Тренёвнинг «Любовь Яровая»сидаги Яровой, Нозим Ҳикматнинг «Туркия ҳақида ҳикоя»сидаги Нури, Яшин ва Умарийнинг «Ҳамза»сидаги Ҳамза, Сарвар Азимовнинг «Қонли сароб»идаги Фиғонийлар ана шулар жумласидандир. Ҳамза театридаги ўз ижодий фаолияти мобайнида Олим Хўжаев яратган ёрқин образлар галереяси на фақат ўзбек театри тарихи, балки умумсовет театр санъати тарихи саҳифаларидан тегишли жойни эгаллаган.

БУНДАН 22 ЙИЛ аввал Олим Хўжаев яратган «Алишер Навоий» (Уйғун ва Иззат Султон асари) спектаклида Алишер образи ҳам театр жамоатчилигининг ва танқидчиларимизнинг қизғин баҳсларига сабабчи бўлган эди. Матбуот саҳифаларида ўнлаб мақолалар, тақризлар босилди. Кўпгина филологлар, театршунос ва санъатшунослар бу образ ҳақида ўз илмий асарларида диққатни жалб этарли мулоҳазалар юритдилар. Бироқ, барча фикрлар ва жамики бўлган мулоҳазалар, баҳслар асосий бир марказга· яъни якунловчи баҳо беришга келганида, объектив равишда· умумий бир фикрга—Алишер Навоий образи Олим Хўжаев талқинида ниҳоятда ёрқин ва тўлақонли, чинакам ҳаётий бўёқлар билан яратилган, деган ҳаққоний фикрга келиб тўхтаганлигини кўрамиз. Севимли актёримизнинг Алишер Навоийси бутун совет реалистик театр санъатининг хазинасига бебаҳо дурдона бўлиб қўшилди.

Олим Хўжаев Алишер Навоий образини саҳнада улкан маҳорат билан яратгани учун ҳам 1948 йилдаёқ олий мукофотни —СССР Давлат мукофотини олишга сазовор бўлган эди.

Олим Хўжаевнинг ижодий диапазони кенг, актёрлик қобилияти ҳам катта. Унинг кино санъати соҳасида ҳам самарали меҳнат қилиб келаётганига 20 йилча бўлиб қолаяпти. Истеъдодли киноактёр сифатида у бир қатор бадиий кинофильмлардан бадиий баркамол образлар яратиб, кино томошабинлар ҳурмат эътиборига ҳам сазовор бўлди. У экранда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий («Ҳамза») Хўжа Аҳрор («Улуғбек юлдузи»), Давронбек («Фарзандлар»), Митхат («Ленин йўлланмаси билан»), Бўриев («Машаққатли йўл») каби кино мухлисларимизга манзур бўла оладиган ва улар хотирасида чуқур из қолдиришга қодир образларда намоён бўлди.

Коммунистик партия ва совет ҳукуматимиз Олим Хўжаевнинг ижодий фаолиятига, театр санъатимизнинг ривожига қўшган баракали хизматларига· жамоат арбоби сифатида қилган хайрли ишларига юксак баҳо бердилар. Унга 1959 йилда СССР халқ артисти деган фахрий унвон берилди. Санъат ва жамоат арбоби, Ленин, Меҳнат Қизил Байроқ, Ҳурмат белгиси орденлари, ҳамда медаллар билан мукофотланган. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатидир.

ОЛИМ Хўжаевнинг 60 йиллик тўйи ажойиб вақтда, атоқли санъаткоримизнинг ижодий муваффақиятлари, актёрлик маҳорати чўққиларига кўтарилган бир даврда ўтаяпти. У ўзининг жонажон театри—Ҳамза номли Академик драма театри саҳнасида замондошларимизнинг қаҳрамонона ҳаётини акс эттирувчи янги драматик асарлардаги ролларни ижро этиш ҳақида ўйлайди. Вильям Шекспирнинг «Гамлет»ини режиссёр постановкачи сифатида саҳна майдонига олиб чиқсам, дейди. Бу отахон театрда машҳур немис драматурги Бертольд Брехтнинг пьесалари ҳам қўйилишини орзу қилади. Санъаткор қалбида шуҳрати оламга маълум бўлган «Отелло» трагедиясидаги улуғвор Мавр —Отелло ролини ижро этишдек зариф ва эзгу ният ҳам турибди. Ана шу борада биз юбиляримизга улкан муваффақиятлар, юксак ижодий парвозлар тилаймиз.

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ.

СССР халқ артистлари М. Н. Кедров, М. М· Яншин, О. Хўжаев, А. П. Зуевалар ижодий суҳбат пайтида.

ИЖОД МАНБАИ...

«..Мен бир муҳим ҳақиқатни айтмоқчиман. Ҳақиқий санъаткор бўлиш учун профессионал машқлар, маҳорат техникасини эгаллаш кифоя қилмайди. Маҳорат асосий мақсад эмас... Образни фалсафий мушоҳада қилмасдан туриб, социалистик реализм санъатида истаган натижаларга эришиб бўлмайди. Маркача-ленинча дунёқараш санъаткор олдида воқеликни чуқур ўзлаштириш ва уни саҳнада ҳаққоний акс эттиришга катта имконият беради. Партиявий эҳтирос ва мақсад йўналиши ижод манбаидир».

Олим ХЎЖАЕВ,
СССР халқ артисти,
Давлат мукофоти лауреати.

Олим Хўжаев буюк ўзбек шоири Алишер Навоий қиёфасида.

✦ ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР САНЪАТКОР ҲАҚИДА

ҚАЛБИМНИ РОМ АЙЛАДИ

Машҳур ўзбек театр актёри Олим Хўжаевни саҳнада кўрганлигимдан беҳад хурсандман. Мен уни Ҳамза номидаги Академик театр саҳнасида «Алишер Навоий» спектаклида, ўзбекларнинг атоқли шоири ва мутафаккири Алишер Навоий образида кўрдим. Саҳнада, ўз қаҳрамони қиёфасида ҳаёт кечиришидан, ўйлаш ва фикрлаш қобилиятининг кучлилигидан, жисмоний хатти-ҳаракатларининг ишонарлилигидан, қўйингчи, умум актёрлик маҳоратининг баландлигидан кўриниб турибдики, бу зот — улкан санъаткор. Унинг классик талқинидаги Алишер Навоий образи фақат менинг қалбимни ўзига асир қилди деган фикрдан йироқман. У менга ўхшаган санъат шайдоларидан кўпчилигининг қалбини ўзига ром айлаган десам, муболаға бўлмаса керак...

Доктор Клаус
РФЮЦНЕР,
ГДР.

Йиллар, воқеалар, рақамлар...

1948 йилда машҳур ўзбек совет режиссёри Маннон Уйғур Ҳамза номидаги ўзбек Давлат Академик театри саҳнасида Уйғун ва Иззат Султонларнинг «Алишер Навоий» драмасини янгидан саҳналаштирди· Спектаклдаги бош роль—Алишер Навоий ролини Олим Хўжаев ижро этди. Асар саҳнада қўйилганидан бери ўтган йигирма икки йил мобайнида Олим Хўжаев буюк шоир ва мутафаккир олим, ўз даврининг кўзга кўринган давлат арбоби, ўзбек адабиётининг асосчиси Алишер Навоий образида етти юз марта намоён бўлди.

* * *

1955-62-67 йилларда ўтказилган Ўзбекистон ССР театр жамиятининг I-II-III съездларида атоқли театр арбоби Олим Хўжаев ана шу жамият правлениеси Президиумининг раиси қилиб сайланди.

* * *

1939 йилда Ҳамза номли театр саҳнасида кўрсатилган атоқли инглиз драматурги Вильям Шекспирнинг «Гамлет»ида Олим Хўжаев Гамлет ролида чиқди. Актёр бу ролни минг мартадан зиёдроқ ижро этди.

* * *

1963 йилнинг мартида Олим Хўжаев Ўзбекистон ССР Олий Совети IV чақириғининг, 1967 йилнинг мартида эса республика Олий Совети VII чақириғининг депутати қилиб сайланди. У Ўзбекистон ССР Олий Совети ҳузуридаги чет эллар бўйича доимий комиссиянинг секретари ҳамдир.

* * *

Олим Хўжаев бир неча йиллардан бери ЮНЕСКО қошидаги Халқаро Театр Институти (МИТ)нинг Совет маркази Ижроия комитети аъзоси бўлиб келмоқда.

Совет саҳна санъатининг йирик вакили Олим Хўжаевни хорижий юртлардаги санъат арбоблари ҳам танийдилар. У Венгрия, Болгария, Чехословакия, БАР, Ҳиндистон, Эрон, Франция, Англия, Япония, Туркия, Канадада бўлган.

* * *

1963 йилда Олим Хўжаев СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ленин ва Давлат мукофотлари Комитетининг аъзоси қилиб сайланди. У ҳозир ҳам шу Комитетнинг аъзоси.

* * *

1967 йилда Ҳамза номли Академик театр саҳнасида Вильям Шекспирнинг «Қирол Лир» асари қўйилди. Бу спектаклдаги бош роль — Лир ролини Олим Хўжаев ижро этди. Ана шу спектаклдаги Қирол Лир образини муваффақиятли яратгани учун Олим Хўжаевга республикамизнинг Ҳамза номли Давлат мукофоти берилди.

Планетамиз янгиликлари

ДАНСИНГ ФОЖИАСИ

Якшанбага ўтар кечаси эди. Кеч соат бир яримларда ёнғин чиқди. Бир лаҳзада бутун бино: деворлар, шифтлар, пол ва мебеллар аланга гирдобида қолди. Залда танца тушаётган одамлар саросимада қолишди. Баъзилар ташқарига чиқмоқчи бўлиб эшикка ташланишар, бироқ турникетли темир тўсиқ уларнинг йўлида ғов бўлиб турарди. Тўс-тўполон бошланиб кетди. Бир қисм одамлар ўзларини ёрдамчи чиқиш йўлларига отдилар. Лекин бу йўлдаги эшиклар ҳам темир билан маҳкамланиб беркитилганди. Бу даҳшатдан ҳайратда қолган йигит ва қизлар эшикларни муштлари билан қоқиб ёрдамга чақириб беҳуда уринишарди. Ўт уларни борган сари ўз чангалига тортиб борарди. Тутун ичида бўғилаётган ёшларнинг мадори қолмаганди.

Ўн беш минутлардан сўнг ўт ўчирувчилар етиб келди. Уларнинг бири шундай ҳикоя қилади:

— Ёнғинни ўчиришга киришганимизда, унинг ичида бироз қолгани хаёлимизга ҳам келмаганди. Ҳеч қандай дод-фарёд эшитилмасди. Фақат орамиздан кимдир биринчи бўлиб эшикни синдирганини биламиз, унинг устига устма-уст мурдалар қулай бошлади. Бизни қандай мудҳиш даҳшат қоплаганини кўз олдингизга келтира олганингизда эди.

Тонг отарда бу фожианинг кўлами аниқроқ намоён бўлди. Юз, бир юз қирқ, бир юз қирқ уч. Таниб бўлмайдиган даражада куйган жасадлар. Кейинроқ касалхонада яна бир ўспирин жон берди.

Ўша кеч Гренобль яқинида жойлашган Сан-Лоран-дю Пондаги «5-7 Клуб»ида танца тушиш ниятида бутун округдан ёшлар йиғилишган бўлиб, уч юздан ортиқ билет сотилганди.

Мана, фожиани ўз кўзи билан кўрган гувоҳларнинг сўзларига диққат қилинг.

Доминик Гетт, 17 ёшда:

— Даставвал, тутун ҳиди димоғимга урди. Сўнг, алангага кўзим тушиб, қичқириб юбордим, эшикка отилдим. Қандайдир жувон йўлимни тўсди. Уни тўсиқдан нарига улоқтириб ўзим ҳам сакраб ўтдим. Жувон тирик қолди. Сўнг, ўт ичида қолган йигит-қизларга ёрдам қўлини чўзишга уриниб кўрдик...

Жан-Люк Бастар, 17 ёшда:

— Иложи борича кўпроқ одамларни ўт чангалидан қутқариб қолишга шошилдик. Бизга яқинроқ турганларнинг қўл ва оёқларидан тортардик, хўл курткаларимизни ёниб турган кийимларига ташлаб, жон жаҳдимиз билан ўтни ўчирмоқчи бўлардик.

Эрве Бозоне, 17 ёшда· студент:

— Ичкарида даҳшат эди: одамлар ҳамма тарафдан аланга ичида қолган эдилар. Тепадан полиэстерадан қилинган шифтнинг ёниб турган парчалари одамлар устига тушарди. Сўнг, воқеа шундай тез ривожландики, тўрт минут ўтгач, ҳеч бир нарсадан ном-нишон қолмади. Бундай гулханга яқинлашишга бошқа иложимиз қолмаганди энди.

Ушбу даҳшатли фожианинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш эндигина бошланди. Бироқ. кўпгина сабаблар ҳозирнинг ўзидаёқ аён. Дансинг хўжайинлари (улар уч киши бўлиб, ёнғин пайтида иккитаси ҳалок бўлди) ёнғин хавфсизлиги ташкилотларидан бинонинг лойиҳаси учунгина рухсатнома олишганди, холос. Шу йилнинг апрель ойида бино қуриб битказилгач бу ерда ҳеч қандай инспекция ўтказилмади. Нега, деган савол туғилади. Дансинг хўжайинлари буни ортиқча иш деб билиб, бинодан тезда манфаат топишга ошиқишди. Бино заллари ва мебеллари турли хил синтетик материаллардан ишланган бўлиб· ёнғинга қай даража бардош бера олиши инобатга олинмаганди. Нега дейсизми? Ҳам оддий, ҳам арзон. Қолгани муҳим эмас. Учта ёрдамчи чиқиш эшиклари қулфланиб қўйиб, темир билан маҳкамланиб ташланганди. Нега? Билетсизлар кириб қолиши мумкин, ахир. Ҳар ўн франк ҳақида қайғурадиган бўлсанг, ҳар бир эшик олдида одам қўйиб турмай, уни михлаб ва қулфлаб ташлашни афзал кўрасан. Киришдаги турникетлар ҳам худди ана шу мақсадда ўрнатилганди. Шундай қилганда, ичкарига битта-битта қилиб киритиш мумкин. Бироқ, ана шунинг ўзи ёшлар йўлига тўғаноқ бўлди. Бундай даргоҳларда турникетлар ўрнатиш қатъиян ман этилган.

Бу фожианинг қолган тафсилотлари кейинроқ аниқланар балким. Бироқ 144 йигит ва қизнинг «худо йўлида» нима учун қурбонга келтирилганлиги шундай ҳам аён. Улар бойлик худосининг қурбони бўлишди, чунки бу жамиятнинг қонунлари ана шундай.

Э. АЛЕКСЕЕВ.
(«Труд» газетасидан).

Жанубий Вьетнам ватанпарварлари Америка-Сайгон қўшинларига мамлакатнинг ҳар бурчагида зарба бермоқдалар.
СУРАТДА: Куангнам вилоятининг жангчилари.
ВИА—ТАСС фотоси.

Шанба оқшоми

●*Кекса юрак мавжлари*

ШИФОКОРЛАР

Шифокорлар бу дунёда шарафли нозик инсондир,
Муқаддас касби кори-ла халоскор, насли луқмондир.
Очиб дарёйи ҳикматни, ҳаёт боғида жўш урган,
Бу фазли, хислати зебо, шифобахш бир гулистондир.
Баногоҳ, етса бир дарди кишининг жисм жонига,
Даво истаб, мурод ҳосил этувчи соҳиб эҳсондир.
Чиройли хулқи, одоби муносиб файзи осори,
Ширин сўз шарбати, кўркам нигоҳи малҳами жондир.
Мусаффо дил билан қилган кераклн дори-дармони,
Ҳамиша баҳрамандларнинг жамолида нурафшондир.
Насиҳат қилсалар тинглаб, итоат айламак лозим,
Алар олдида ҳар дард мағлубу, ҳар мушкул осондир.
Итоат этмаган бемор бу феълидан шифо топмай,
Жафо тортиб қолур дарди билан, ҳар дам пушаймондир.
Бу маслак аҳлига лойиқ эмас феъли қабоҳатлар,
Дағал сўз бўлса, фазлига илашган доғи нуқсондир.
Аё Ҳушнуд, яшарсан соғ, шифокорларни ёр этсанг,
Бу зотлар марҳамат боби очиқ, шафқатли инсондир.

ХУШНУД.

●*Қўшиқ шайдоларига*

ОЙДИНДА КЕЗАМАН

Ойдинда кезаман, ойдинда
Юрагим ҳам шу тундек ойдин.
Борлиқ гўзал, дилбар осуда
Шивирлайди тераклар майин
Ойдинда кезаман, ойдинда,
Кўкда ёнар нуқра юлдузлар,
Жилвагар ой чўмилиб сувда
Қулоғимга неларни сўзлар.
Ойдинда кезаман, ойдинда
Оёқ остим майсадан тўшак
Термуламан нурли уфққа
Юрагимда армон ва тилак.
Ойдинда кезаман, ойдинда
Дилда ёнар бир оташ, бир ишқ.
Табиатдан — сирли китобдан
Мен ўқийман ажиб бир қўшиқ.

Ғулом ШОМУРОДОВ,
Бухоро.

Сунбула суви ёз осмонидек тиниқ. Унда куз манзаралари жилва қилмоқда. Олтин япроқларнинг оҳиста сузиши ҳам завқли. Гагарин боғида дам олиб, ҳар қанча ҳордиқ чиқарса бўлади.

Ю. Бутусов фотоэтюди.

150 миллион кишининг ризқи

Ерда 500 минг хил ўсимлик бўлиб, 23 минг хилидан фойдаланилади. Атиги 600 хили маданий. Аммо шу оз ўсимлик ҳам хавф остида. Уларни бегона ўтлар, вирус, бактериялар нобуд қилади. Зарарли ҳашарот, чувалчанг, моллюска ва кемирувчи ҳайвонлар ҳосилнинг учдан бир қисмига зиён етказади.

БМТ қошидаги қишлоқ хўжалик масалалари билан шуғулланувчи ташкилот маълумотига кўра, юқоридаги зараркунандалар ҳар йили 33 миллион тонна донни нобуд қилар экан. Бу дон 150 миллион кишининг ризқи-рўзи.

ТУРМУШГА ЗАРУР ГАПЛАР

(АЛМАИЙ ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАРИ).

Кимки бўлса хуш чирою, хуш қилиқ
Доимо кўргай жаҳонда яхшилиқ.

* * *

Чун ўзинг сирингга маҳрам бўлмадинг,
Асрамас эрса биров йўқдир ажаб.

* * *

Тамаъ қилмагил, э биродар, тамаъ
Қилур хору, зору, харобу, залил!

* * *

Сувнинг қадрин не билурсан сув ёнида
ўлтириб,
Сувнинг қадрин даштларда ташна бўлгандан
сўра!

* * *

Матлуб қўлга кирса, билгил уни ғанимат,
Қўлдан чиқарма ҳаргиз, то чекмагил надомат.

* * *

Кимдаким бўлмас карам бирла вафонинг
шеваси,
Гар эрур жаннатнинг ҳури боғлама кўнгил унга.

* * *

Кимки қилса ақл элига иқтидо,
Ҳеч важҳ бирла маломат кўрмагай.

* * *

Кимки кўча устига қўйса тузоқ,
Ўзи солгай ул тузоқ узра оёқ.
Яхшилик тухми саодатлар берур,
Гар тикан эксанг, оёғингга кирур.

* * *

Кимки ишда шошқалоқлик қилур,
Ақлнинг ўйини хароб қилур.

Тўпловчи: **Ш. ЗУННУН.**

НОДОНЛИК ҲАҚИДА

Нодонлик маълумотнинг камлиги натижасидир, янглишиш эса сохта маълумот оқибатидир.

А. Л. Куницин.

* * *

...Тўла нодонлик тўла ақлсизликка олиб келади...

* * *

Халқ кулфати тарихини ўрганган ҳар бир киши, дунёдаги бахтсизликларнинг катта қисми нодонлик оқибатида юз беришига ишонч ҳосил қилиши мумкин.

* * *

Доно нодонни тушуниши мумкин, чунки унинг ўзи болалигида шундай бўлган, нодон эса донони тушунмайди, чунки у ҳеч қачон доно бўлмаган.

К. Гельвеций.

Шарқ адажиоси.
М. Нуриддинов фотоэтюди.

МАМОНТ СУЯГИДАН

Краковлик археологлар қадимги қурилиш материаллари складини топдилар. Табиийки, аввалги қурилиш материаллари ғишт ёки бетон блокларидан иборат бўлмаган. Одамлар палекит даврида мамонт суякларидан турар жой қуришган. Археологлар бундай суякларнинг кўкрак қисмини топдилар.

✻ Билиб қўйган яхши

ЖАҲОН ТИЛЛАРИ

Яқинда Испанияда бўлиб ўтган лингвистлар конгрессида, олимларнинг ҳисоблашларича, ҳозир ер юзи аҳолиси 2976 хил тилда гаплашар экан. 17,5 миллион Америка ҳиндилари 1200 хил тилда сўзлашади.

Ер шари аҳолисининг учдан икки қисми, ҳаммаси бўлиб 13 хил тилдан фойдаланади. Булар улуғ тил ҳисобланиб, улардан ҳар бирида камида 50 миллион одам гаплашади. Бу 13 хил тил асосан 65 мамлакатда тарқалган.

ТАБИАТ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Шаклдор сабзавотларга бир қаранг.

● ● ●

Қўғирчоқсимон картошка (ўнгдаги сурат); чапда — уруғ боғлаган пиёз. Унинг устига худди қуш қўниб турганга ўхшайди.

Ў. Пратов ва Ю. Бутусов фотолари.

Энг катта боғ

Ҳозир дунёдаги энг катта боғ Молдавиянинг Днепр дарёси соҳилида барпо этилмоқда. Бўлажак боғ жами бўлиб беш минг гектар майдонни эгаллайди. Шу вақтга қадар, жаҳондаги бирдан-бир катта боғ Қримдаги «Олтин дала» номи билан аталувчи боғ ҳисобланарди. Унинг майдони 3620 гектар эди.

Бу улкан боғни барпо этиш ишида 21 та колхоз ҳамкорлик қилмоқда. Бу колхозлар маблағидан бунёд этилаётган биринчи агро-саноат хўжалиги бўлади. СССР қишлоқ хўжалик министрлиги томонидан ҳозир зарур ёрдам кўрсатилмоқда. Вақти келиб, бу боғда ҳар йили 160—180 минг тонна олма, шафтоли, ўрик, нок ва бошқа мева ҳосили етиштирилади. Етишган ҳосилнинг асосий қисми марказий саноат районига жўнатилади, қолгани эса маҳаллий заводларда қайта ишлашга қолдирилади.

Боғлар ва узумзорларнинг яқинда Бутуниттифоқ рўйхатини олиш ишлари ниҳоясига етди. Рўйхат маълумотлари асосида Совет Иттифоқидаги ҳар бир боғ мукаммал равишда ўз характеристикасини топади.

●*Пазанда маслаҳати*

ШОЛҒОМЛИ ПАЛОВ

Шолғом қадим замонлардан буён ўзбек таомларида ишлатилиб келинади. Бу бежиз эмас. Шолғомда бирдан икки процентгача оқсил, беш процентдан кўпроқ қанд, бир процентгача клетчетка ва бир оз миқдорда ёғ бор.

Баъзи хонадонларда паловга ҳам шолғом солиш одат тусига кирган. Улар тайёрланаётган ошга сув қуйилгач, арчиб, ўрта ҳажмда қирқиб тайёрлаб қўйилган шолғомни қозонга солишади. Бунинг натижасида, шолғомнинг ҳиди чиқиб, ош таъмига салбий таъсир кўрсатади.

Хўш, бундай бўлмаслиги учун нима қилиш керак? Арчиб, ўртача ҳажмда тўғралган шолғомни бироз туз солинган қуруқ сувда қайнатиб, чалароқ пишириш керак. Шунда шолғомдаги тахир таъм сувга чиқиб кетади.

Тайёр бўлган бу масаллиқ ошга гуруч солишдан олдин қозонга ташланади.

Бир гулловчи дарахт

Тўпгуллар ичида энг йириги Жанубий Осиё талипот пальмасининг гулидир. Пальма умрида бир мартагина гуллайди. Унинг тўпгули узунасига ўн тўрт, энига эса ўн икки метрча келади. Талипот пальмасининг ўзи ҳам жуда секин, йилига ярим метрдан ўсиб, қирқ йилда йигирма метрга етади...

Р. ТИЛЛАЕВ.

«Куз сайли»

А. Чаплигина фотоэтюди.

●Ўсимликлар оламида

БИОТА — НИНАБАРГЛИЛАР АЖДОДИ

Совет олимлри Ҳисор тоғларини текшириб юрганларида Тўпаланг дарёсининг юқори қисмида, Ҳурватан қишлоғидан 12 километр нарида нинабарглилар оиласига мансуб бўлган, жуда кам учрайдиган, қадимдан сақланиб қолган дарахтни — биотани учратиб қолдилар.

Олимлар ер юзида фақат бир нечтагина биота дарахтлари мавжудлигини биладилар. Биотанинг Ўрта Осиё намунаси унча катта бўлмаган, танаси йўғон, тангасимон барглар билан қопланган дарахт экан. У чиқиб бориш қийин бўлган қояларнинг ёриқларида ўсади.

Кўп миллион йиллардан буён яшаб келаётган бу биота — нинабарглиларнинг энг катта аждодидир. Топилган мазкур дарахт Ўрта Осиёнинг тоғ зонаси қонуниятлари ривожланишини ўрганишда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Донолар бисотидан

Ризқ истарда чумолидек кучингга йиғлагил,
Пашшадек хониш қилиб, ҳар суфрадан
қувланмагил.

АВЛОНИЙ.

* * *

Димоғингни кўтарма, бўлмайин десанг оёқ
ости,
Қамиш неккайгани учун бўйра бўлди-ю, ҳамма
босди.

Абдураҳмон ЖОМИЙ.

* * *

Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,
Ҳам жонларига моян дармон бўлғил.

Алишер НАВОИЙ

* * *

Қўлимда агар бўлмаса қанд ҳам,
Сўзим бор, шакардан эмас таъми кам.

Саъдий ШЕРОЗИЙ.

● *Боланинг тили ширин*

Нигоранинг истаги

Эрталабки нонушта пайтида опасининг чой билан асал еяётганини кўрган Нигора ойисига айтибди:

— Мен ҳам асал еяман.

Онаси жавоб берди:

— Опангнинг қорни оғрияпти.

Эртасига эрталаб Нигора онасига:

— Ойи, ойи, менинг ҳам опамга ўхшаб қорним оғрияпти, — деди.

ДАДАМ УЙДАЛАР

Бир куни бувиси уч яшар неварасини тартибга чақириб деди:

— Сен нега қўшнимизнинг қизини юмдаладинг, адаси уйида, ҳозир чиқиб сени уради.

Шунда Дилфуза ҳозиржавоблик билан жавоб берди.

— Менинг ҳам дадам уйдалар.

Ж. РАҲИМОВ,
А. АЮБОВ.

●*Бўш вақтларда*

КРОССВОРД

ЭНИГА: 3. Узунлик ўлчови. 7. «Оқ олтин». 8. А. С. Пушкин шеъри. 9. «Владимир Ильич Ленин» поэмасининг автори. 10. Ҳиндистоннинг шимолидаги курорт—шаҳар. 12. Машинанинг (турбина, электр двигатель, генератор кабиларнинг) айланадиган қисми. 14. Машҳур осетин халқ шоири Коста Хетагуров асари асосида яратилган «Фотима» фильмидаги бош ролни ижро этган киноактриса. 17. И. А. Крилов масали. 18. Сабзавот экинларидан бири. 20. Енгил автомашина маркаси. 21. Европадаги давлатлардан бирининг пойтахти. 24. Ўзбекистон ССРдаги шаҳарлардан бири. 25. Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий туғилган шаҳар. 28. Дунайнинг чап ирмоғи. 30. Рус совет ёзувчиси, «Қилич ва қалқон» романининг автори. 31. Тригонометрик функция. 32. Ойбек яратган «Қутлуғ қон» романидаги бош қаҳрамоннинг синглиси. 33. Игнабаргли дарахт.

БЎЙИГА: 1. Ўзбек миллий таомларидан бири. 2. Ўзбек совет адабиётининг асосчиси. 3. Озиқ-овқат маҳсулотларидан бири. 4. Машҳур учувчи аёл, Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 5. Ҳарбий унвон. 6. Украина ССРдаги областлардан бирининг маркази. 11. Ҳинд океанидаги йирик орол. 13. Машҳур грек композитори. 15. Нефтни ҳайдаш йўли билан олинадиган, рангсиз, ёнувчан суюқлик. 16. РСФСР нинг Архангельск областидаги шаҳар. 17. Этик ва ботинкаларга суртиладиган мой. 19. СССРдаги иттифоқдош республикалардан бирининг пойтахти. 22. «Тинч Дон» фильмида Дарья, «Очилган қўриқ» фильмида Лушка ролларини ва «Евдокия» фильмида бош ролни ижро этган талантли совет киноактрисаси. 23. Жасур партизан қиз, комсомолка, Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 26. Обь дарёсининг чап ирмоғи. 27. Киракаш автомобиль. 28. Уй паррандаларидан бири. 29. Ялтироқ, пишиқ ип ёки ипак газмол.



Тузувчи: **Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ.**

АДАБИЙ ВИКТОРИНА ЖАВОБЛАРИ

1. Максим Горький. 2. «Кавказ асири». 3. «Башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама». 4. Антон Павлович Чехов. 5. «Болалик» повести. 6. Тарас Григорьевич Шевченко. 7. Беш повестдан иборат: «Бэла», «Максим Максимич», «Княжна Мери», «Тамань», «Фаталист». 8. Алишер Навоийнинг туғилган йили —1441. 9. Т. Г. Шевченко ва В. В. Маяковский. 10. «Муму». 11. «Макар Чудра». 12. Ойбек. 13. «Мажлисбозлар» шеърига. 14. Лев Николаевич Толстой. 15. «Павлик Морозов». 16. «Р. В. С.» 17. Ҳабиб Нуъмон ва А. Шораҳмедовнинг «Ота» романи, Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романи ва Жонрид Абдуллахоновнинг «Йўл» романи.

(Ўтган шанба оқшомида эълон қилинган «Адабий викторина» га бу жавобларни оқшомҳонлардан Э. МАНСУРОВ ва С. САИДАЛИЕВ топиб юборган).

РАССОМ ТАБАССУМИ



— Азизим Лолахон, аразламанг, бир минут кеч қолибман.

— Астаъфурилло...

Ҳушёрхонанинг собиқ меҳмони:
— Кўриб қўйинг, ўртоқ милиционер, биз ичимликнинг шифобахш хилидан ичяпмиз.

Имтиҳон пайтида тиржаяди,

Сўнгра бурун кўтариб керкаяди.

Ҳаваскор рассом.
А. Алимов
чизган расмлар.

Сузиш машғулоти

Ҳажвия

Шу йил ёзда юз берган бир тасодиф дам олишимни бурнимдан чиқарай деди. Денгизга тушдиму, бирдан чўка бошладим.

— Қутқаринглар! — қичқирдим қирғоқда турган нотаниш кишига.

У бамайлихотирлик билан деди:

— Қўлимдан келмайди-да, бахтга қарши қутқарувчи ҳам ўз жойида йўқ.

Сувда аранг қалқиб турар эканман, жон-жаҳдим билан интилиб яна сўрадим.

— Қаерда у?

— Бунақа бақирманг,— ўшқириб берди нотаниш кимса,— «Техника хавфсизлиги бўйича лекцияга кетдим» деган эълонни кўрмаяпсизми? Ўқишни биласизми ўзи!

— Ўқишни биламан, лекин сузишни билмайман-да,— ғулдирадим оғзимга сув тиқилар экан,— лекция ишдан кейин бўлиши керак-ку?

— Сиз ҳеч нимани тушунмайдиган одам экансиз-ку,— ўшқирди ҳалиги киши.— «Ишдан кейинмиш». Ишдан кейин унинг сузиш машғулоти бор.

— Олдин чўкаётганни қутқарсин, кейин сузишни ўргатади-да,—қатъий норозилик билдирдим мен чўкиб бора туриб.

— У сузишни ўргатмайди,— тушунтирди қирғоқдаги киши, — ўзи сузишни ўрганяпти. Биринчи навбатда қутқарувчининг ўзи сузишни билиши керак-ку, шундай эмасми?

— Тушунарли,—дедим сувда қалқир эканман,— Ахир қутқарувчи сузишни билиши керак-ку, бу қандай ярамаслик!..

— У янги ходим,— жавоб қилди қирғоқдаги одам.

— Ёрдам беринглар! Чўкаяпман. Қутқариш чамбарагини ташланглар жуда бўлмаса!

— Чамбарак йўқ,— деди у.

— Қаерда экан?

— Қутқарувчи ўзи билан бирга олиб кетипти.

— Нимага?—жаҳл билан сўрадим оғзимга сув тиқилганидан энтикиб.

— Қолдириб кетолмади. Бирор кимса илиб кетмасин деб чўчиди. У ахир чамбарак учун жавобгар-да.

— Тентак,— деб бақирдим.

— Сиз ўз бурчини адо этаётган ходимни хизмат пайтида ҳақорат қиляпсиз,— огоҳлантирди қирғоқдаги киши,— ўйлаб кўринг, оқибати ёмон бўлади.

— Қанақа одамсиз! — азбаройи қўрқиб кетганимдан ялина бошладим.— Мен ҳеч кимни ҳақорат қилишни ўйлаганим йўқ, кўряпсиз-ку, ахир, мен чўкяпман.

— Мана бу гап бошқа,— деди у бироз хотиржам бўлиб.

Мен шу пайтда тобора чўкаётган эдим.

— Қутқаринглар! Қутқаринглар! — чинқира бошладим, сув остидан зўрға сузиб чиқиб.

— Яна ўз билганидан қолмаяпти,— жаҳли чиқди қирғоқдаги кишининг,— нега бақиряпсиз? Сизга ҳаммасини тушунтирдим-ку, ахир.

Менда қутулишга умид учқунлари бор эди.

— Мени қутқаришга балки ўзингиз уриниб кўрарсиз?

— Бу ҳақда гап бўлиши мумкин эмас. Сизни қутқараман деб ўзим чўкиб кетаман. Бу ерда менинг ўзимга яраша вазифаларим бор.

— Қанақа иш,— сўрадим.

— Таржимонман.

— Наҳотки,—ҳайрон бўлдим мен.

— Шундай. Мен чет тилида интуристлар қичқириб айтадиган «Қутқаринглар» сўзини таржима қиламан.

— Бу нимага керак?

— О, жуда керак-да, чунки қутқарувчи чет элликларнинг тилини мутлақо тушунмайди.

— Мен азбаройи ғазабланганимдан қўлларимни қулочкашлаб шапиллата бошладим. Бирдан қувончим ичимга сиғмай кетди. Бундоқ қарасам, туппа-тузук сузиб кетапман.

Умуман, ўлимдан омон-эсон қолганимни — азбаройи фиғоним фалакка чиққанлигидан, деб биламан.

Януш ОСЕНКА,
поляк ёзувчиси.

А. ПЎЛАТОВ.
таржимаси.

✻ АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

СОАТ ҚАЧОН ИХТИРО ҚИЛИНГАН?

Аёғинг туфроғига кўзларимдур шишаи соат·
Ки ҳар соат бири равшан бўлурға туздилар навбат.
АЛИШЕР НАВОИЙ.

СОАТ инсониятнинг энг геннал ихтироларидан биридир. Агар у бўлмаганида, нималар юз беришини тасаввур қилиб кўринг-а? Поездларнинг ҳозирги ҳаракатида, ҳар куни минглаб фалокат юз берарди. Одамларнинг ишга турли пайтда келиши натижасида завод ва фабрикалар фаолияти издан чиқарди. Ошиқ ва маъшуқалар учрашувга турли пайтда чиқиб· бир-бирларини учрата олмасдилар... Ҳайриятки, соат деган мўъжиза бор. У бизга вақтдан тўғри фойдаланишга, шу орқали жуда кўп англашилмовчилик ва қийинчиликлардан қутилишга ёрдам беради.

Ота-боболаримиз қадим замонларданоқ қуёшга қараб вақтни белгилашган. Кейинчалик ерга таёқча қадаб· унинг соясига нисбатан вақтни ўлчашни ўрганганлар. Қуёшсиз кунлар учун эса сувли соатлар ихтиро қилинган. Уни биринчи марта бундан тўрт минг йилча олдин хитойликлар ўйлаб топишган. Тагида кичкина тешиги бўлган махсус идишга сув солинган. Идишнинг ичидаги чизиқлар эса тўлдирилгандан буён қанча сув оқиб кетганини, яъни қанча вақт ўтганини билдирган. Бу соатларни олиб юриб бўлмасди.

Қадимги безакли соатлардан бири.

Шарқда кенг тарқалган қумли соатлар ҳам шу асосда ишларди. Аммо қум бутунлай тўкилиб кетмас· балки биринчи идишдан жуда кичик тешиқ орқали иккинчи идишга ўтар, сўнг уни яна тўнкариб қўйиларди. Бу ҳолатдан Алишер Навоий ўзининг юқорида келтирилган байтида усталик билан фойдаланган, гўзал образ яратган. Қумли соатларни бирга олиб юрса бўлар· аммо тез-тез тўнкаравериш жонга тегарди.

Ўрта асрларда ҳам вақтни қуёш ҳамда сув соатлари ёрдамида аниқлашган. Деҳқон ва ҳунармандлар учун эса, бу хизматни кўпинча хўроз, кечаси юлдузлар, эрталаб сўфининг азони бажарган.

Ниҳоят, X асрга келиб, деярли минг йил олдин· араблар мураккаб соат механизмлари тайёрлашни ўзлаштирдилар. Бундай соатлар сув ёрдамида ҳаракатланар, ҳар соатда занг чалар эди. Занг чалиниши билан унда ҳар хил жажжи ҳайкалчалар пайдо бўларди. Худди шундай ғаройиб соатлардан бирини «Минг бир кеча» эртаклари орқали кўпчиликка таниш бўлган халифа Хорун-ал-Рашид француз қироли Буюк Карлга совға қилган эди.

Тошли девор соатларини ким ихтиро қилганлиги номаълум. Аммо у ҳам араблардан бўлса керак. Чунки ўша пайтда араблар европаликларга қараганда анча моҳир эдилар. Европадаги кўпгина шаҳарларда тошли минора соатлари 700 йилча олдин қурила бошланди. Бу хилдаги соатларда одатда, битта стрелка бўлар· сонлар ёзилган қоғоз-циферблат эса 24 га бўлинганди.

«Шаҳмат қироличаси» деб номланган бу соатни Пензадаги «Заря» заводи ишлаб чиқара бошлади. Сиз контролёр О. Фабрицкая уни намойиш қилаётган пайтини кўриб турибсиз. А. ОВЧИННИКОВ фотоси.

Тахминан 1500 йилда биринчи чўнтак соати пайдо бўлди. Уни нюрнберглик соатсоз уста Хейнлайн ясади. У ясаган соатларни кичкина халтачага солиб, бўйинга осиб юрилларди. Бир марта буралса 40 соатга етар, ҳажми унчалик катта эмас — пиёладай келарди.

Хейнлайннинг соати бутун Европага машҳур бўлиб кетди. Уни жуда кўплаб мамлакатларда тайёрлай бошладилар. Ундан вақтни билишдан кўра· кўпроқ безак сифатида фойдаланила бошланди. Ҳар бир соатсоз имконияти борича кичкина ва чиройли ясашга интилардилар. Нюрнбергда уни тухум шаклида ясай бошладилар. Энди бундай соатларни чўнтакда бемалол олиб юрса бўларди. Бир оз вақт ўтгач, узук-соат, сирға-соат· тугма-соатлар пайдо бўлди.

Дастлаб соатлар жуда қиммат эди, уларни фақат безак учун олардилар. Уларни бураш учун махсус калитчалар ясалиб, соат эгаси имконияти борича одамлар олдида бурарди. Бураганда қанча шовқин чиқса· у шунча хурсанд бўларди.

Соатлар безак бўлиб хизмат қилган пайтида, уларда фақат соат стрелкаси бор эди. Бой-бадавлат кишиларнинг вақти кўп, минутларнинг қадри улар учун аҳамиятсиз эди. Кейинчалик зарурият туғилгач· минут стрелкаси ҳам ясалди. Бундай соат тахминан 250 йил олдин пайдо бўлди. Тезда бундан ҳам илгарилаб кетдилар. Учинчи, секунд стрелкаси ясалди.

Москвадаги соатсозлик саноати илмий-текшириш институтида циферблати сонли табло билан алмаштирилган янги электрон-механик уй соати ясалди. Бундай соатлар чўнтак фонарининг битта батареяси ёрдамида бир йил тўхтовсиз ишлай олади· Бир суткада атиги 20 секунд адашиши мумкин. Янги соатлар Москвадаги 2-соатсозлик заводида ишлаб чиқаришга тавсия қилинди.

Б. КОРЗИН фотоси. ТАСС фотохроникаси.

Ўтган асрларнинг охирида соат ишлаб чиқариш механизациялаштирилгач· уларнинг баҳоси пасайиб, деҳқонлар ҳам, ҳунармандлар ҳам, ўқувчилар ҳам олиши мумкин бўлиб қолди.

Бугунги кунда Совет Иттифоқида тайёрланаётган соатлар бутун дунёга машҳур. Улар ўнлаб мамлакатларга экспорт қилинади.

Ишлаб чиқарилаётган соатларнинг турлари ҳам хил-ма-хил. Чиройли ва турли формадаги безакли соатлар, ҳафтанинг куни, ой ва числони кўрсатувчи соатлар, жуда ҳам аниқлик билан ишловчи электрон соатлар шулар жумласидандир. Мамлакатимизда соат бўлмаган уйни топиб бўлмаса керак. У биз учун ҳаётий заруратга айланиб қолган.

Н. МУҲАММАДИЕВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА— 15/XI да **Дон Кихот** (премьера).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 15/XI да **Олтин девор**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/XI да **Тошболта ошиқ**, 15/XI да **Қайнона** (кундузи), **Менинг жаннатим** (кечқурун).

Кино

14 НОЯБРДА

Фавқулодда комиссар — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА», «СПУТНИК» (кечқурун).

Оғиш бурчаги—«ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «МОСКВА» (кечқурун).

Муҳлат 7 кун—«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли (кечқурун).

Чайковский—САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун).

15 НОЯБРДА

Фавқулодда комиссар —«ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Оғиш бурчаги—«ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Муҳлат 7 кун—«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Чайковский—САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

24 ноябрь кундуз соат 2 да Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлари институтининг илмий совет кенгашида техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

К. Нурлибоев: «Қорақалпоғистон АССР шароитида пахта ҳосилини машина билан теришнинг рационал технологиясини ишлаш» деган темада;

М. Аугамбоев: «Вертикал-шпинделли пахта териш аппаратининг юқори ҳаракат тезликда ишлаш технологик процессини текшириш» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (Қоривиёзов кўчаси, 39-уй)да танишиш мумкин.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
(Киров кўчаси, 11 уй)
14, 15 НОЯБРДА
ОЛЕГ СОКОЛнинг
СССРДА ЯГОНА ЭЛЕКТРОН-ИЛЛЮЗИЯ АТТРАКЦИОНИНИНГ
ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ
Электромеханик ассистент РОБОТ иштирокида
«МЎЪЖИЗАСИЗ МЎЪЖИЗАЛАР»
ва катта ҳар турли программалар.
ТОМОШАЛАР: 14 ноябрда кундуз соат 3 ва кеч 6 да;
15 ноябрда кундуз соат 12, 3 ва кеч 6 да бошланади
Олдиндан билет сотиш кассаси эрталаб соат 11 дан очиқ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
газетасига 1971 йил учун обуна давом этмоқда

ОБУНА—«СОЮЗПЕЧАТЬ» АГЕНТЛИКЛАРИДА, АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
ОБУНА НАРХИ—1 йилга 6 сўм;
6 ойга 3 сўм;

25 ноябрь кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг химия ва химиявий технология бўйича бирлашган илмий совет кенгаши (Черданцев кўчаси, 19-уй) да химия фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Р. И. Гутникова: «Ишқорий муҳитда темир (Ш), алюминий, лантанни комплекс бирикма берувчи айрим моддалар таъсирида мис, рух, никель, кобальт ва кадмийдан ажратиш» деган темада;

Т. Л. Турсунбоев: «Тўйинмаган германий-органик бирикмалар соҳасида тадқиқот» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй) да танишиш мумкин.

26 ноябрь кундуз соат 12 да Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг илмий совет кенгашида қишлоқ хўжалик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун

С. Т. Бубенцов: «Қозоғистоннинг марказида, жанубида ва жанубий шарқида картошканинг асосий касалликлари ва унга қарши агробиологик кураш чоралари» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ

Диссертация билан институт кутубхонаси (Тошкент область, Орджоникидзе-4) да танишиш мумкин.

25 ноябрь кундуз соат 2 да Тошкент давлат медицина институти даволаш ва стоматология факультетларининг илмий совет кенгаши (морфология корпуси, 1 зал)да медицина фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун:

С. С. Козлова: «Ўрта Осиё гюрза илонидан заҳарланишни экспериментал даволашда буйракларда бўладиган морфологик ва баъзи цитологик ўзгаришлар» деган темада;

Г. Ф. Макаров: «Шишлар химиотерапиясидаги иммунологик реакциялар» деган темада.

25 ноябрь кундуз соат 2 да Тошкент давлат медицина институти педиатрия ва санитария-гигиена факультетларининг илмий совет кенгаши (морфология корпуси, 2-зал) да медицина фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун,

Л. Г. Борисова: «Бош мия травмасидан кейин буйракнинг функционал ҳолати» деган темада;

Ш. Назаров: «Болалардаги қорин тифи ва паратиф касалликлари қайталанишининг клиник ва иммунологик характеристикаси» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (К. Маркс кўчаси, 103-уй)да танишиш мумкин.

26 ноябрь кундуз соат 3 да Тошкент халқ хўжалик институтининг совет кенгаши (Олмазор кўчаси, 183-уй)да иқтисод фанлари кандидати даражасини олиш учун

Б. А. Шумляев: «Бухгалтерия ҳисоботи ишидаги ходимларининг меҳнатини илмий ташкил қилиш масалаларини текшириш» (темир йўл транспорти корхоналарининг мисолида)» деган темада;

Н. И. Артамонов: «Автомобиль транспортида меҳнат унумдорлигини оширишни моддий рағбатлантириш (Ўзбекистон ССР умумий фойдаланиш автомобиль транспорти мисолида)» деган темада.

3 декабрь кундуз соат 3 да Тошкент халқ хўжалик институтининг совет кенгашида иқтисод фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Г. К. Саббатовский: «Туркманистон ССРда газ ва нефть бўйича геология-қидирув ишларини иқтисодий эффективлиги» деган темада.

Н. А. Абдуллаев: «Электрон-ҳисоблаш машиналари ва иқтисодий математик методларни қўллаб металлолом ва қора металларни ташишни оптималлаштириш» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

ТЕЛЕВИЗОР

14 НОЯБРЬ

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

16.55 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида: 17.00** «Ахборот» информацион программаси. **17.10** Ҳамза номли театр артистлари —киноэкранда. **Ўзбек тилида: 18.30** Болалар учун телевизион қўғирчоқ театри. **19.00** Ўзбекистон телевиденнеси ва радиоси мукофоти учун миллий кураш бўйича мусобақалар. «Юбилейный» Марказий спорт залидан олиб кўрсатилади. **19.45** «Ахборот» информацион программаси. **20.00** Эстрада шинавандалари, сизлар учун! **20.30** «Ленинномa» программаси. Бухоро инқилобининг 50 йиллиги.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

21.00 Янгиликлар. **21.05** Ярим аср йилномаси». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильмнинг 1959 йил ҳақидаги серияси. **21.50** Рангли телевидение. «Ҳайвонотлар оламида». **22.50** Эфирда «Молодость». **23.45** «Вақт» информацион программаси. **00.15** «Тундаги портлаш». Бадиий фильм. **02.00** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
МОСКВА КЎРСАТАДИ

17.00 Рус санъатида қаҳрамонлик темаси. **17.30** Концерт. **18.00** Фан факультети. **18.40** Янгиликлар. **18.45** Маданият факультети. Симфоник куйлар. **19.30** Адабий асарларни экранлаштириш. «Мактабга ёрдам». «Дубровский». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 21.00 «Физкультура ва спорт». Тележурнал. **21.40** Концерт. **22.10** «Йўл азоби» Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ДУШАНБА КЎРСАТАДИ

18.00 Экран—болаларга. **18.40** «Панжакент қазилмалари» (тожик тилида). **Рус тилида: 19.00** Янгиликлар. **19.15** Съезддан-съездгача «Бугунги ёғ-мой комбинатида». **19.30** Тожикистон композиторлари V съездининг очилиши. Концерт. Айний номли опера ва балет театридан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида «Оқшом эртаклари». **Тожик тилида: 22.00** Янгиликлар. **22.15** Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг тўртинчи конференцияси олдидан. «Баҳористон» тележурнали.

15 НОЯБРЬ

ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

9.55 Кўрсатувлар программаси. **10.00** Болалар учун мультфильм. (Ўзбек тилида).

Рус тилида: 10.20 «Звездочка». Тележурнал. **10.50** «Гекельберри Финнинг саргузаштлари». Телеспектакль.

Ўзбек тилида: 13.00 Эртак кетидан эртак. **13.20** «Замандаш» программаси (қозоқ тилида). **16.55** Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 17.00 «Ахборот» информацион программаси. **17.20** «Чарли Чаплин». Кинокўрсатув, 2-қисм. **18.30** Фильм-концерт. **19.15** «Тўлқинда 02».

Ўзбек тилида: 19.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи—ақлнинг кўзи». **20.10** «Ахборот» информацион программаси. **20.30** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети телевидение ва радио эшиттириш Давлат Комитетининг мукофоти учун миллий кураш бўйича мусобақалар. «Юбилейный» марказий спорт залидан олиб кўрсатилади. **21.10** Телевизион миниатюралар театри. (Такрорий кўрсатув). **21.50** Халқ жасорати йилномаси. «ҚАРШИ КУНДАЛИГИ». **22.05** «Хавфли парвоз». Бадиий фильм. **23.15** Кўрсатувлар программаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

10.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Чизма геометрия (ўзбек тилида). **11.00** Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Чизма геометрия (рус тилида).

МОСКВА КЎРСАТАДИ

12.00 Кўрсатувлар программаси. **12.05** Болаларнинг эрталабки гимнастика машғулотлари. **12.15** Янгиликлар. **12.30** Ўқувчилар учун. «Будильник». **13.00** Музикали киоска. **13.30** Юқори синф ўқувчилари учун. «Олимпиаданинг 2-тури саволларига жавоблар. **14.30** Болалар учун. «Колокольчик» телевизион театри. **15.00** Портретлар. **15.30** «Меҳнат ташаббуслари сарчашмасида». **16.00** «Бетховен симфонияси». ГДРдан олиб кўрсатилади. **16.55** Мамлакатимиз илмий картаси. «Тожикистонда илм фан». **17.25** Рангли телевидение. «Денисканинг ҳикоялари». Телевизион бадиий фильм.

18.30 Совет Армияси ва Флоти жангчилари учун эшиттириш. **18.50** Музикали учрашувлар. **19.20** «Қишлоқ меҳнаткашлари—партиямиз XXIV съездига». **20.05** Киносаёҳатчилар клуби. **21.00** Янгиликлар. **21.05** «Изланиш». Телевизион журнал. **21.45** Концерт студияси таклиф қилади. «Санъат усталари концерти». **22.50** «Вақт» информацион программаси. **23.30** «Эркакча гап». Бадиий фильм. **01.00** Рангли телевидение. «Ниқобсиз зўравонлар». 2-кўрсатув. **01.30** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 ФРУНЗЕ ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ КЎРСАТУВЛАРИ.

РАДИО

14 НОЯБРЬ

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 Чўлқуварлар учун концерт. **18.40** Спорт эшиттириши (ўзбекча). **19.20** Ўзбек давлат филармонияси «Лазги» ансамблининг концерти. **20.00** ХАЛҚ ЖАСОРАТИ ЙИЛНОМАСИ. Қарши кундалиги. **20.30** Оркестр пьесалари. **21.00** «Коммунистик партиялар ҳаётидан» (ўзбекча). **21.10** «Қишлоқ радиоклуби». Музикали эшиттириш. **22.20** Х. Яхёев шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. **23.10** Лирика кечаси. **24.00** Тунги музикали программа.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Курашаётган Вьетнам адабиёти (ўзбекча). **19.30** Ҳамза номли ўзбек академик театрининг 50 йиллиги олдидан. СССР халқ артисти Олим Хўжаевнинг ижодий портрети (русча) **20.00** Классик куйлар (тожикча). **20.30** Шу куннинг қўшиқлари. **20.50** «Норииннинг учинчи ирмоғи». Катта Андижон канали ҳақида ҳикоя (русча). **21.00** Эстрада-рақс концерти. **21.40** «Шоирлар — микрофон олдида». Р. Мурод шеърлари (татарча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.30 «Майсаранинг иши» радиоспектакли (русча). **19.00** «Гулшан» радиожурнали.

Республика «Узторгодежда» ва Тошкент областлараро «Узторгодежда» конторасн коллективлари Тошкент областлараро «Узторгодежда» конторасининг бошқарувчиси Н. Ғ. Ҳакимжоновга отаси

Ғофиржон
ҲАКИМЖОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Октябрь район ошхоналар тресты трест директори Н. Н. Низомовга бувиси

Пошахон
НОРХУЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент оқшоми 4 бет.
14 НОЯБРЬ, 1970 Й.

«Вечерний Ташкент»
орган Ташкентского
горкома КП Узбекистана
и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари—33-29-33, 33-29-09· масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари· шаҳар хўжалиги бўлимлари—33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари· иллюстрация бўлимлари—33-27-[illegible] саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими—33-28-95· эълонлар бўлими—33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитети
нашриётининг босмахонаси
Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579.
НАШР 3157.
Р—16657.